

2026 йил 16 январь куни Ўзбекистон Миллий педагогика университети-нинг кимё ва биология бакалавриат йўналишлари ҳамда ушбу фанлар бўйича магистратура мутахассисликлари Германиянинг нуфuzли ASIIN халқаро агентлиги томонидан аккредитациядан ўтказилди.

Мазкур йўналишлар педагогик олий таълим муассасалари орасида илк бор ASIIN аккредитациясини қўлга киритгани билан алоҳида аҳамиятга эга. 2030 йил 30 сентябргача амал қиладиган аккредитация сертификатлари ушбу йўналишлар битирувчиларининг дипломлари Европа ва бошқа ривожланган мамлакатларда тан олинишини аниқлатади. Бу кимё ва биология йўналишида тахсил олган кадрларнинг хорижий таълим муассасалари, илмий марказлари ҳамда саноат корхоналарида фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратади.

Юқорида қайд этилган йўналишлар битирувчилари хорижий университетларда магистратура ёки докторантуранинг давом эттириш, халқаро таълим муассасаларида ўқитувчи ёки илмий ходим сифатида фаолият олиб бориш, биология ва кимё саноати йўналишларида жаҳон меҳнат бозорига чиқиш, халқаро грант лойиҳаларида иштирок этиши мумкин.



МУРОЖААТНОМА

ЁШ СПОРТЧИЛАРГА РАЎБАТ БЕРМОҚДА

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маданият саройида "Адолат" СДП ҳамда Белбоғли кураш федерацияси ҳамкорлигида Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини ёшлар орасида тарғиб қилиш, иқтидорли ва истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, айниқса,

спорт соҳасини ривожлантиришга оид вазифалар ижроси юзасидан тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Анжуманда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова, Осиё Белбоғли кураш конфедерацияси президенти Мўминхўжа Муратов ҳамда федерация фахрий президенти Қодир Жўраев сўзга чиқди.

Фракция йиғилиши

СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА




ЕНГИЛЛИКЛАР БЕРИПМОҚДА

Маъмурий суд ишлари юритувида — ҳуқуқи бузилган шахсларнинг танловига кўра, иқтисодий суд ишлари юритувида эса — тарафларнинг келишувига асосан экстерриториал судлов механизмини жорий этиш тақдир этилмоқда. Бунда ишни кўриб чиқадиган суд автоматлаштирилган ахборот тизими орқали белгиланиши кўзда тутилган.

Халқчил ва ҳаётий ислохотлар

БАРҚАРОР КЕЛАЖАК УЧУН



ЎТКИР НАЗАР, оташин ифода



Шароф Бошбеков кўпчиликлари насиб этмайдиган салоҳиятга эга: у оддий сўзлардан фавқуллодда вазият яратиш ва уларни ўн чандон кучли таъсир қиладиган тарзда жойлаштириш санъатини мукаммал эгаллаган. Асарнинг: "Яна ўйнайлик, яна куйлайлик, иқболимиз порлоқ экан даврон сурайлик" кўшиғи билан яқунланишда бадийирий приёмда ўқирманнинг кўнгилни беҳузур қиладиган таъсир кучи бор. Ушбу комедия ўзбек тилининг чақиндай порлоқ, гулдай зозик, тигдай ўткир, олмосдай сержило эканлигини кўрсатиши жиҳатидан беқиёс бадийи ҳодисадир.

КИТОБ:

янги жамғарма нима беради?

ЯНА АЖРИМЛАР ҲАҚИДА:

ОҒРИҚЛАРИМИЗ ҚИММАТГА ТУШЯПТИ



Таҳлиллар давомида бу каби ҳолатларга туртки бўлган омиллар ҳам ошкор бўляпти: рашк, хиёнат, оилавий ишончнинг сингани, ўзини яқка ҳис қилиш, чиқиш йўлини тополмаслик. Аммо қайси сабаб бўлишидан қатъи назар, оқибат битта — оила аталмиш муқаддас кўрғоннинг бўзилиши, энг ёмони, болаларни фожиа марказига тортиш.

Шу нуктада савол туғилади: МУАММОНИНГ САБАБЛАРИ ҚАЕРДАН БОШЛАНЯПТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ НЕГА ШУНЧАЛИК ОҒИР ТУС ОЛАЯПТИ? Худкушлик, болаларга нисбатан бераҳмлиқ ва оила ичидаги зўравонлик — буларнинг барчаси бир занжирнинг ҳалқалари эмасми?



МУРОЖААТНОМА ЁШ СПОРТЧИПАРГА РАЎБАТ БЕРМОҚДА



1 Партиямиз етакчиси мамлакатимизда яратиб берилган имкониятлар самараси ўлароқ ёшларимиз халқаро мусобақаларда нуфузли ўринларни эгаллаётгани, дунё тобора мамлакатимизни кучли спорт усталари юрти сифатида тан олаётганини таъкидлади.

Шундан сўнг Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси раҳбари ўринбосари Муҳаммаджон Валиев Президент Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, ёшлар сиёсати, спорт ва жисмоний тарбия соҳасини ривожлантиришга қаратилган вазифалар

ҳақида батафсил тўхталди. Мурожаатнома миллий спорт турларини қўллаб-қувватлаш, ёшларни ватанпарвар, жасур ва қатъиятли қилиб тарбиялашда муҳим дастур экани қайд этилди.

Ўзаро фикр алмашиш жараёнида келгуси вазифалар, мақсадлар белгилаб олинди.

Куннинг иккинчи қисмида Белбоғли кураш федерациясининг 2025 йилдаги фаолияти таҳлил қилинди.

Анжуманда сўзга чиққан федерация президенти Равшан Дастиров белбоғли курашнинг миллий спорт тури сифатидаги ривож, жамиятда тутган

ўрни, унинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ва давлат сиёсатида спортга қаратилаётган эътибор масалаларига тўхталди. Шунингдек, 2025 йил белбоғли кураш учун муҳим ютуқлар ва тарихий натижаларга бой йил бўлганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ойбек Султонов, Ҳасанбой Ибрагимов, Аъзамжон Анваржонов, Нусратбек Султоноев каби полковларимиз халқаро майдонларда юртимиз байроғининг юксалишига, миллий спортимизнинг доврғини дунёга танитишга муносиб ҳисса қўшишди. Уларнинг ҳар бир ғалабаси замирида йиллар давомида

шаклланган темир интизом ва ватанпарварлик туйғуси мужассам.

Айниқса, Ҳиндистоннинг Ротак шаҳри мезбонлигида ўтган халқаро белбоғли кураш турнирида терма жамоамиз 20 та медални қўлга киритганидан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Спортчи қизларимиз — Фарангиз Абдунабиева ва Широной Йўлдошева олтин медалга сазовор бўлгани “ўзбек қизлари жасоратда ҳеч кимдан қолишмайди” деган фикрнинг амалий тасдиғи бўлди.

Анжуманда “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова сўзга чиқиб, белбоғли кураш соҳа-

сида ўтган йили эришилган салмоқли ютуқларни юқори баҳолади. Бунда хотин-қизлар спортидаги муваффақиятлар алоҳида эътироф этилди. Жумладан, Россия ва Қирғизистонда ўтказилган халқаро турнирларда Ўзбекистон қизлар жамоасининг муносиб иштироки эътибори, ғалаба қозонгани миллий спортимизнинг юксак салоҳиятини намоён этгани таъкидланди.

Шундан сўнг 2025 йил давомида белбоғли курашни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган спортчилар, мураббийлар, спорт ташкилотлари ва фаоллар турли номинациялар бўйича тақдирланди.

Тадбир якунида бундай анжуманлар ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ошириш, миллий спорт турларини оммалаштириш ва жамиятда соғлом муҳитни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси ва “Адолат” СДП ўртасидаги ҳамкорлик келгусида ҳам изчил давом эттирилиши, ёшлар билан ишлашда янги лойиҳа ва ташаббуслар амалга оширилиши белгилаб олинди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ЕНГИПЛИКЛАР БЕРИПМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимиз раислигида Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги дипломатик ваколатхоналар фаолияти юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда ташқи сиёсатда салмоқли ютуқларга эришилди. Олий даражадаги ташрифлар географиясининг кенгайиши, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг йўлга қўйилиши, мамлакатимиз дипломатик ваколатхоналари сонининг сезиларли даражада ошгани давлатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи мустақамланиб бораётганини кўрсатади.

Партия Сайловолди дастури ва ғоявий мақсадларидан келиб чиқиб илгари сурилган ташқи сиёсат концепциясини янгилаш ташаббусини замон талаби, деб ҳисоблайди. Бунда янги концепция миллий манфаатлар, иқтисодий дипломатия, хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат тамойилларини яхлит ҳолда мужассам этиши лозим.

Шундан сўнг депутатлар фуқаролар ва тадбиркорлар учун иқтисодий ҳамда маъмурий судларга мурожаат қилишда қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят ва Иқтисодий процессуал кодекслари, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, шунингдек, “Судлар

тўғрисида”ги ва “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларга бир қатор ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Жумладан, маъмурий суд ишларини юритишда — ҳуқуқ бузилган шаклларнинг танловида кўра, иқтисодий суд ишлари юритишда эса — тарафларнинг келишувига асосан экстерриториал судлов механизмининг жорий этиш таклифи этилмоқда. Бунда ишни кўриб чиқадиган суд автоматлаштирилган ахборот тизими орқали белгиланиши кўзда тутилган.

Гулнорахон АБДУВОҲИДОВА,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:
— Фракциямиз йиғилишида қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама қилдик ва уни янада такмиллаштириш бўйича ўз таклифларимизни бердик. Айтиш мумкинки, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши судга мурожаат қилишдаги овореарчиликларни камайтириш, коррупциявий омилиларни бартараф этиш ҳамда суд қарорларининг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

“Адолат” аралашгач



МУАММО ҲАЛ ЭТИЛДИ

Кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи аҳоли учун лифт қурилмаларида носозлик кузатилиши оғир муаммо келтириб чиқариши мумкин. Бундан, айниқса, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёш болали оилалар азият чекади. Чилонзор тумани, “Ал-Хоразмий” маҳалласида жойлашган уйлардан бирида истиқомат қилувчи юртдошларимиз саккиз ойдан бери шундай муаммо билан яшаб келишаётганди.

Бу борада турли ташкилот ва идораларга ёзма ва оғзаки мурожаатлар йўлланган. Аммо ҳеч қандай амалий натижа бўлмаган.

“Адолат” СДПдан туман кенгашига сайланган депутат Алишер Хусаиновнинг ҳудудда ўтказилган сайёр қабулида ушбу масала бўйича мурожаат келиб тушди. Муаммо тегишли мутасаддилар ва масъул ташкилот вакиллари билан муфассал ўрганилди. Натижада носоз лифт тўлиқ таъмирланиб, ишга туширилди.

Бу, ўз навбатида, уйда истиқомат қилувчи юртдошларимизнинг турмуш сифати ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Аҳоли, айниқса, кексалар ва юқори қаватларда яшовчи фуқаролар муаммо ҳал этилганидан мамнун.

— Кекса фуқаролар учун 5-10 қаватга пиёда чиқиш оғир, — дейди **Сусана Меметшоева**. — Депутат чинакам халқ вақили сифатида муаммомизга бефарқ бўлмади, дардимизни эшитди ва энг муҳими, ҳал қилиб берди. Бундан миннатдоримиз.

Дарҳақиқат, ушбу мисол халқ вакилининг фуқаролар билан очиқ мулоқоти, мурожаатларга масъулият билан ёндашуви ва уларни жойида ҳал этишга интилаётганининг ёрқин намунасидир.

Етуклик ёши МУБОРАК БЎПСИН!

Қутлаймиз!
Хар қандай жамоага яхши кунлар, хуш байрамлару, уларни муносиб нишонлашлар ярашади, албатта.

Айни кунларда бизнинг тахриратимизда қўшалок байрам — бир эмас, икки забардаст ҳамкасбимиз қутлуг ёшларини нишонлашмоқда.




Бир мучалдан ошиб қолди, каттагина жамоамизни бирлаштириб-житлаштириб турган, “Adolat” номли нашримиз учун сув келса симириб, тош келса кемириб келаётган, газета обрўси, танилувчанлиги учун курашиб чарчамайдиган таниқли журналист, шоир, драматург, публицист, телебошловчи, бир сўз билан айтганда катта ижодкор Исроҳон Ҳамро... Рақамини айтсак, барибир ишонмайсиз, “Бу боланинг паспортда хато кетган-ов, ё пенсияга эрта-роқ чиқай деб камиди ўн йил қўшиб олган-ов”, дейсиз, шу боис “50+10 ёшга кирди”, деб қўяқолайлик.

Юбилей ёшига қадам қўётган яна бир ходимамиз — сергайрат, адолатпарвар, тиниб-тинчимас, ҳамкасбларига меҳрибон, изланувчан муҳбиримиз Саодат Матёқуб қизи ҳам бугун таваллуд санасини нишонламоқда.

“Adolat” газетаси тахририяти жамоаси ҳар иккала ҳамкасбимизни таваллуд кунлари билан чин дилдан муборакбод этади. Биз Исроҳон Ҳамро ҳамда Саодат Матёқуб қизига узоқ умр, сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, янада улкан ижодий ютуқлар тилаб қоламиз!

ТАХРИРИЯТ

Фаровонлигимиз учун



ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ

Президентимизнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси – йилнинг энг муҳим сиёсий воқеаларидан бири сифатида мамлакатнинг ўтган йилдаги тараққиёт натижаларининг сарҳисоби бўлди. Мурожаатномада маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш, касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш, экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий давлат бошқаруви ҳамда адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларни давом эттириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Ташпўлат МАТИБАЕВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати,
социология фанлари доктори, профессор

Мурожаатномада аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий ислохотларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Камбағаллик даражасининг сезиларли даражада қисқариши, миллионлаб инсонларнинг даромадли бўлиши, “камбағалликдан холи маҳаллалар” сонининг ортиши давлат сиёсатининг самарали эканини кўрсатади. Айниқса, болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш, инклюзив таълимни жорий этиш, эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар жамиятда ижтимоий адолат ва тенг имкониятлар тамойилини мустаҳкамламоқда. Қўрилган чора-тадбирлар туфайли 5 миллион аҳоли даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди, илк бор 1 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айланди. Юртимизда камбағаллик даражаси йил бошидаги 8,9 фоиздан 5,8 фоизга қисқарди.

Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларга бугун дунё ахли алоҳида эътибор билан қарамоқда. Халқаро сиёсатчилар, эксперт ва мутахассислар оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистондаги янгиланган жараёнларига позитив шарҳлар бераётгани, бир томондан, мамлакатимизнинг жаҳондаги мавқеи тобора юксалиб бораётгани туфайли бўлса, иккинчи томондан, кейинги пайтда глобал масалалар муҳокама қилинадиган халқаро мулоқот майдонига айлانгани билан боғлиқ. Хусусан, бу йил юртимизда Парламентларо Иттифокнинг 150-йўбилей ассамблеяси, ЮНЕСКО Бош конференциясининг сессияси, “Марказий Осиё — Европа ИлғиҒи” саммити ва халқаро Иқлим форуми ўтказилди.

Марказий Осиё мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги энг устувор йўналиш бўлиб қолаётди. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчилигининг март ойда Хўжандда бўлиб ўтган учрашувида биринчи марта уч мамлакат давлат чегараларининг тўташ нуқтаси тўғрисида тарихий шартнома имзоланди ҳамда “Абадий дўстлик тўғрисидаги декларация” қабул қилинди. Минтақамиз давлат раҳбарларининг яқинда Тошкентдаги Маслаҳат учрашуви чоғида интеграция жараёнларини янги сифат босқичга кўтариш учун Марказий Осиё ҳам-жамияти стратегик форматини ташкил этиш ғояси илгари сурилди. Озарбайжонни Марказий Осиё форматига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиш тўғрисидаги қарор тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қадам Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида стратегик боғлиқлик ҳамда барқарорлиқни кучайтириши, шубҳасиз.

Ўзбекистон Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарбни бирлаштирадиган марказга айланиб бормоқда. Октябрь ойда Брюсселда Ўзбекистон ва Европа

Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган бўлса, ноябрь ойида ўтказилган Марказий Осиё ва АҚШ саммити, яқинда Токиода Марказий Осиё ва Япония етакчиларининг учрашувида эришилган келишувлар кўп томонлама ва узоқ муддатли шериклики сифат жиҳатдан мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди.

Маҳалла ва яхши кўшничлик — ўзаро уйғун кадриятлар. Улар жамиятда ижтимоий капитални янада бойитишга беқиёс ҳисса қўшади. Мамлакатимизда ўтказилган ижтимоий сўровларда иштирок этганларнинг 90 фоизи ўзини маҳалла жамоасининг бир қисми деб ҳисоблаши ҳам шундан далolat беради. Ижтимоий капитал деганда, одатда, жамият аъзолари ўртасидаги ишонч, ҳамкорлик, ижтимоий нормалар ва тармоқлар йиғиндиси тушунилади. Ўзбекистон шариғатида маҳалла азалдан ана шу ижтимоий капитални яратиш ва ривожлантиришнинг асосий механизмларидан бири бўлиб келган. Бу ерда одамлар бир-бирини яхши танийди, қийинчилиқда ёрдам беради, қувончда бирга бўлади ва умумий муаммоларни биргалиқда ҳал қилади. Маҳалланинг анъанавий тузилмалари, қариялар кенгашлари, хотин-қизлар кўмиталари ва ёшлар етакчилари орқали жамоавий қарорлар қабул қилинади, низолар тинч йўл билан ҳал этилади ва жамоат тартиби сақланади. Буларнинг барчаси аҳоли ўртасидаги ўзаро ишонч ва бирдамлиқни мустаҳкамлаб, ижтимоий капитални бойитади.

Маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз ҳам тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади. Демакки, маҳалла жамиятнинг энг асосий пойдевори. Бу — маҳалла даражасидаги барқарорлик ва ижтимоий аҳиллик, умумий миллий барқарорлиқнинг гарови эканлигини англатади. Маҳалладаги ижобий муҳит фуқароларнинг фаровонлигини таъминлашга, ижтимоий муаммоларни эрта аниқлаш ва ҳал қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари, маҳалла давлат ва жамият ўртасидаги кўприк вазиасини ўтаб, давлат сиёсатининг бевосита аҳолига етиб боришини таъминлайди.

Президентимизнинг 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиш таклифи, маҳалла институтига бўлган давлат эътиборининг янги босқичига ишора қилади. Бу нафақат маҳалла тизимини янада мустаҳкамлаш, унинг инфратузилмасини яхшилаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, балки маҳалланинг ижтимоий-сиёсий ролини янада кучайтиришга қаратилган кенг қўлмалли давлат дастурларини амалга оширишни англатади. Ушбу ташаббус маҳаллани мамлакатнинг бутун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш

стратегиясининг марказига қўйишга қаратилгандир.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари 2026 йилда амалга ошириладиган энг муҳим устувор йўналишларни ҳам белгилаб берди. **Биринчи устувор йўналиш** маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб киришдан иборат. **Иккинчи устувор йўналиш** — иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш. Келгуси йилда иқтисодиётда 6,6 фоиз ўсишни таъминлаб, ялпи ички маҳсулотни 167 миллиард долларга етказиш прогноз қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари **учинчи устувор йўналиш** — ички бозорда талабни рағбатлантириш масаласига тўхтади.

Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, иқтисодиётда энг катта талаб яратадиган уй-жой ипотекасига 2026 йилда 23 триллион сўм ресурс ажратилади. Уй-жой сотиб олишда бошланғич тўлов ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун 2 триллион 700 миллиард сўм субсидия берилади. Шунингдек, битта квартира учун ажратиладиган имтиёзли ипотека кредитининг миқдори 15 фоизга оширилади.

Ички темир йўлларни ривожлантириш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Шаҳарларни тезкорар поездлар қатнови билан боғлаш учун 2026 йилдан яна 500 километр темир йўл қурилиши бошланади. Автомобиль йўлларининг сифатини яхшилаш, транзит салоҳиятини янада ошириш мақсадида беш йиллик дастур амалга оширилади. Касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш келгуси йил учун дастурнинг тўртинчи устувор йўналишидир. 2026 йилдан бошлаб ҳар йили камида 100 тадан техникум тўлиқ таъминлиб, технологик ва талаб юқори бўлган касбларга мос ҳолда жиҳозлаб борилади. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Корея Республикаси каби давлатларнинг илғор таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар сони 100 тага етказилади. **Бешинчи устувор йўналиш** — экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш. Экология — ҳаёт-мамат масаласи экани бугун тобора ойдинлашмоқда. Шу боис экологияни асраш ва “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ишлар

келгусида янги босқичда давом эттирилади. Жумладан, йирик корхоналарга филтър, тозалаш иншооти ва ҳавога чиқариладиган зарарли моддаларни мониторинг қилиш станцияси ўрнатиш учун 100 миллион долларлик кредит линияси очилади. Шаҳарлардаги тирбандликлар нафақат одамлар ҳаётини қийинлаштираётир, балки экологияга ҳам жиддий зарар етказмоқда. Шу боис дунё тажрибасидан келиб чиқиб, автомобиллар чиқараётган зарарли моддалар даражасига қараб экологик стикерлар бериш тизими жорий этилади. Катта миқдорда зарарли моддалар чиқарадиган автомашиналарнинг пойтахт ва вилоят марказлари ҳамда шаҳарларга кириши чекланади. Бундай транспорт воситаларини янгисига алмаштириш ёки уларга филтър ўрнатиш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилади. Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш тадбирлари қўрилади.

Олтинчи устувор йўналиш — замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотлар давом эттирилади. Аввало, 2026 йилдан бошлаб Электрон ҳукумат платформаси тубдан янгиланади. Энди барча давлат идораларининг 1 мингдан зиёд давлат хизматлари, 5 мингдан ортиқ функция ва вазифалари, 200 та маълумот базаси ва ахборот тизими, 100 мингдан зиёд давлат хизматчиларининг маҳалла, туман, вилоят, республика даражасидаги ваколатлари Ягона рақамли платформага интеграция қилинади. Энг муҳими, давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилсиз, коррупция ва ортиқча бюрократиядан холи экотизим яратилади. Давлат хизматларини проактив ва жамлама шаклда кўрсатиш тизими ривожлантирилади.

Коррупция — давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид. Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қилиниши айтилди. Хусусан, барча идораларда комплаенс ва коррупцияга қарши ички назоратга масъул ўринбосар лавозими жорий этилади. Ҳисоб палатасининг вакили фаолияти йўлга қўйилади. Давлатнинг ҳар бир сўм маблағи, ресурси бўйича шахсий жавобгарлик кучайтирилади.

Мурожаатномада илгари сурилан ҳаётбахш ташаббуслар, белгилаб берилган долзарб вазифалар халқимизни рози қилиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, юртимизда учинчи Ренессанс пойдеворини қуришдек эзгу мақсадларга хизмат қилади. Янги йил байрами арафасида давлатимиз раҳбари парламентга ва халқимизга мурожаат қилиш асносида юртошларимиз дилида, онгу руҳида бир тебраниш, жўшқинлик ва кўтаринкилик уйғотдики, бу кайфият ҳар биримизни ҳаётга теран назар ташлашга, эл-юрт тақдирига дахлдорлик, фидойилик, жонқуярлик, шижоат, фикран очиқлик, бедор қалб билан яшашга ундайди.



КИТОБ:

янги жамғарма нума беради?



Бугун китоб ҳақида гапириш оддий мавзу эмас. Чунки китоб — бу шунчаки қоғоз ва сиёҳ эмас, балки миллатнинг тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи. Шу маънода, куни кеча “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этади.

Зебинисо ЮСУПОВА,
халқ депутатлари
Самарқанд вилоят кенгаши депутати

Бу қарор — жамиятни маънавий жиҳатдан уйғотишга қаратилган, аниқ мақсад ва аниқ механизмларга эга қарор. Унинг асосий ғояси оддий, лекин жуда муҳим: китоб ўқийдиган инсон — онгли фуқаро, онгли фуқаро эса тараққиётнинг таянчи.

Қарорда 2026–2030 йиллар учун улкан, аммо ҳаётий мақсад қўйилди — ҳар бир фуқаро йилига ўртача 10 та китоб ўқиши керак. Бу рақам қоғозда оддий кўриниши мумкин, аммо унинг ортида жамият тафаккурини ўзгартириш, ёшларни телефондан китобга буриш, маънавий бўшлиқнинг олдини олиш каби катта вазифалар турибди. Энг муҳими, давлат буни фақат тарғибот билан эмас, амалий қадамлар билан таъминламоқда.

Ана шундай амалий қадамлардан бири — Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида Китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши бўлди. Бу жамғарма китоб ҳақидаги гапларни шордан чиқариб, реал қўллаб-қувватлашга айлантиради. Ёш ёзувчилар, айниқса, болалар адабиёти йўналишида ижод қилаётган муаллифлар учун грантлар ажратилиши, асарларининг нашр этилиши — ёш истеъодлар эътиборсиз қолмаслигининг яққол исботи.

Бундан ташқари, танлов орқали сараланган истеъодли муаллифларга бир йилгача ҳар ой БҲМнинг 50 баравари миқдорида ҳақ тўлиниши белгиланди. Бу қарор ижодкорга “тирикчилик учун эмас, ижод учун ёз” деган ишончини беради. Чунки ҳақиқий адабиёт хотиржам тафаккурдан туғилади.

Яна бир муҳим жиҳат — таржима масаласи. Энг сара хорижий адабиётларни ўзбек тилига, миллий асарларимизни эса хорижий тилларга таржима қилиш ва чоп этиш харажатларининг катта қисми давлат томонидан қоплаб берилади. Бу ўзбек китобхони учун дунё адабиётига кенг эшик очса, миллий адабиётимиз учун халқаро майдонга чиқиш имкониятини яратди.

Мазкур қарор китобни жамият марказига олиб чиқмоқда. Китоб — тарбия, китоб — тафаккур, китоб — келажақ экани таъкидланмоқда. Зеро, билимга киритилган сармоя — Ўзбекистоннинг эртанги кунига қўйилган ишончли пойдевордир.

ЭНГ ИЛҒОР
партия ташкилотлари ва
ходимлар тақдирланди

Адолат” СДП Наманган вилоят кенгашида 2025 йил якунлари сарҳисоб қилинди. Йил давомида партиянинг ғоя ва мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш, аҳоли билан ишлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш йўлида фаоллик кўрсатган энг намунали партия ташкилотлари аниқланди ва муносиб рағбатлантирилди.



Тадбирда Тўрақўрғон туман кенгаши раиси Захроҳон Аҳмедованинг самарали фаолияти алоҳида эътироф этилди. У “Энг намунали партия ташкилоти етакчиси” деб топилиб, бош соврин ҳамда вилоят Кенгашининг раъзий кўчма статуеткаси билан тақдирланди. Бу мукофот туманда олиб боришга тизимли иш, жамоа билан ишлашдаги ташаббускорлик ва партия нуфузини оширишдаги амалий саъй-ҳаракатларнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан вилоят кенгаши раиси Исроиљжон Жўраев партия фаолларини қутлар экан, 2025 йил партия учун самарали ва мазмунли ўтганини таъкидлади. Шу билан бирга, у 2026 йилда ҳам фаоллиқни янада ошириш, олдимизга қўйилган устувор вазифаларни масъулият билан бажариш зарурлигини қайд этди.

Айниқса, 2026 йил Давлат раҳбари томонидан “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинганини эслатар экан, бу давр ҳар бир партия ходимидан янада жипслик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлиқни талаб этишини алоҳида таъкидлади.

— Ҳар бир партия аъзоси ўз вазифасини сидқидилдан бажарса, маҳалла ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бўламиз, — деди вилоят кенгаши раиси.

Тадбир иштирокчилари партия сафига янгича ғоялар, амалий ташаббуслар билан кириб келаётган фаоллар борлиги партия келажагига ишончини янада мустаҳкамлашини билдирдилар.

Энг яхшиларни муносиб тақдирлаш нафақат эътироф, балки янги ютуқлар сари чорлов, барча партия ходимлари учун илҳом ва рағбат манбаи бўлди.

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

ХАЛҚЧИЛ ВА ХАЁТЛИЙ ИСЛОҲОТЛАР

БАРҚАРОР КЕЛАЖАК УЧУН

Сарҳисоб

2025 йил ўз поёнига етди. Бундай пайтда ҳар бир соҳа, тармоқ, корхона, ташкилот ва oilалар, қўйингки ҳар бир инсон йил давомида қилинган ишлар, эришилган натижаларни сарҳисоб қилади. Зотан, ривожланиш истиқболларини белгилашда бунинг аҳамияти катта.

**Қобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва
иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси
раиси ўринбосари**

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да миллий тарақиётимизни янги ва замонавий босқичга олиб чиқиш борасидаги дастурий ҳаракатлар янада жадал тус олди. Зеро, табиатга, унинг неъматларига эҳтиёт-корона муносабатда бўлмай, инсонга ва келажақ авлодларга йўналтирилган иқтисодий ўсиш моделини шакллантирмай туриб барқарор ривожланиш имконсиз.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш кераки, мамлакатимизда экология масаласи фақат 2025 йилга келиб кун тартибига чиққани йўқ. Аслида бу барқарор ривожланиш, ҳаёт сифатини ошириш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш мақсадларига қаратилган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида амалга ошириб келинаётган кенг қўламли ислохотларнинг муҳим таркибий қисми ва манتيқий давоми эди.

Йил давомида макроиқтисодий барқарорлиқни мустаҳкамлаш, инвестицияларни жалб қилишдан тортиб, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ҳудудларни ривожлантириш ва халқро ҳамкорлиқни фаоллаштиришга бўлган жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида орта қайтмас ислохотлар амалга оширилди. Бу натижалар маъно-моҳиятига кўра фақатгина микдор кўрсаткичлари эмас, балки ўрта ва узоқ истиқболда юқори самардорлиқни таъминлашга хизмат қилувчи узоқни ўйлаб қўйилган қадамлардир.

Халқро институтлар баҳосига кўра, 2025 йилда дунё миқёсда глобал иқтисодий ўсиш 2,5-3 фоиз атрофида теб-ранган бўлса, мамлакатимизда 7 фоиздан ортиқни ташкил этди. Демак, Ўзбекистон мураккаб глобал конъюнктура шароитида ҳам юқори ривожланиш суръатини сақлаб қола олган ҳам сонли мамлакатлардан бири эканини исботлади. Ички бозорда талабни рағбатлантириш, инвестициявий фаолиятни кенгайтириш ва ташқи савдонинг ошириш бўйича амалга оширилган ўзаро уйғун саъй-ҳаракатлар бундай натижаларга эришилганда муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзига хос жиҳати шундаки, иқтисодиётда сифат ўлчовлари борган сари яққол тус оляпти. Эндиликда энергия самардорлиқ, экология ва узоқ мuddатли барқарорлик каби ривожланишнинг таркибий тузиллишлари устувор аҳамият касб этади. Шу маънода “яшил” иқтисодиёт тамойилла-

рига ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг алоҳида йўналиши эмас, балки бутун иқтисодий ўсиш моделини янгилашнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Ташқи савдонинг ортиб бораётгани ҳам иқтисодий ўсишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. 2025 йилда ташқи савдо айланмиси ҳажми 13 фоизга ўсиб, 76 миллиард долларга, экспорт эса 23 фоизга ошиб, 33,4 миллиард долларга етди. Бу эса, мамлакатимизнинг халқро бозорлардаги иштироки кенгайиб, миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлиги тобора ортиб бораётганидан дарак.

Мазкур кўрсаткичлар тасодиифий эмас, балки “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган экспортга йўналтирилган иқтисодий сиёсатнинг изчил амалга оширилаётгани билан боғлиқ. Хусусан, стратегияда 2030 йилгача экспорт ҳажмини 65-70 миллиард долларгача ошириш, тайёр ва қўшилган қиймати юқори маҳсулотлар улушини кўпайтириш ҳамда ташқи бозорларда миллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган. 2025 йилда қўлга киритилган натижалар айнаш шу мақсадлар сари қўйилган амалий қадамлар яхши самара бераётганини, Янги Ўзбекистон иқтисодиёти халқро бозорлар билан чуқур интеграциялашиб, рақобатбардошлиқ жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганини кўрсатади.

Иқтисодиётимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми ортиб бораётгани ҳам тарақиётимизнинг муҳим омилдир. Ўтган йилда уларнинг ҳажми 43 миллиард доллардан ошди. Жами инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши салкам 32 фоизга етди. Бу эса, давлат раҳбари таъкидлаганидек, иқтисодиётимиз келгуси йилларда ҳам юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бориши учун замин яратди.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Зеро, “Янги Ўзбекистон – 2030” тарақиёт стратегиясида белгиланган узоқ мuddатли иқтисодий мақсадлар бошланган ишларга янги импульс беради. Жумладан, стратегияда 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард доллардан ошириш, аҳоли жон бошига даромадни 4 минг доллардан юқори даражага етказиш ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларини 6-7 фоиз даражада барқарор ушлаб туриш вазифалари белгиланган. Ушбу мақсадларга эришиш, энг аввало, иқтисодиётга ху-



сусий ва хорижий инвестициялар оқими кенгайтирилиши тақозо этади.

Шу нуктаи назардан қараганда, инвестицияларни sanoat, энергетика, инфраструктура, қишлоқ хўжалигини чуқур қайта ишлаш ҳамда юқори қўшилган қиймат яратадиган тармоқларга йўналтириш стратегиянинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, инвестиция фаоллигининг юқори даражада сақланиши иқтисодиётини модернизация қилиш, янги иш ўринлари яратиш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун мустаҳкам заминдир.

Замонавий дунёда иқтисодий тарақиёт ва ижтимоий фаровонлиқни мустақил ва барқарор энергетика тизимларисиз тасаввур қилиш қийин. Демак, углеводород ресурслари камийиб бораётган ҳозирги даврда муқойаб энергия манбаларини ривожлантиришнинг ҳаётнинг ўзи тақозо қилляпти. Мамлакатимиз бу ҳақиқатни аллақачон англаб етган. Сўнгги беш йилда 6 минг мегаваттлик қуёш, шамол ва гидро-электр станциялари ишга туширилди, умумий генерацияда “яшил” энергиянинг улуши 30 фоизга етди. Декабрь ойига келиб 42 та “яшил” энергетика объекти ишга туширилгани ҳамда навбатдаги 21 тасининг қурилишига start берилгани – миллий энергетика тармоғи салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги кенг қўламли амалий ишларнинг ёрқин далили бўлди. Мазкур қувватларнинг тўла ишга тушиши натижада келгуси йилда “яшил” энергия ишлаб чиқариш ҳажми 23 миллиард киловатт-соатга етади ва аҳолининг йиллик электр энергия истеъмоли тўлиқ қопланишига хизмат қилади.

Мазкур лойиҳаларнинг экологик аҳамияти ҳам низоҳатда муҳим. Боиси, тоза энергия ҳисобида табиий газ сарфи салкам 7 миллиард куб метрга камаяди. Атмосферага 11 миллион тонна зарарли моддалар чиқишининг олдини олади. Бу эса глобал барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг бўлиб, мамлакатимизда фаровонлик йўлидан дадил бораётганининг амалий ифодасидир.

Шунингдек, тарақиёт стратегиясида белгиланган устувор вазифалар ҳам бу борадаги ишларни янада жадал суръатда давом этишига хизмат қилади десак, муҳолафа бўлмайди. Хусусан, 2030 йилга қадар электр энергия ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи манбалар улушини 40 фоизгача ошириш, углерод чиқиндиларини 35 фоизга қисқартириш, энергия самардорлигини эса иқтисодиёт бўйича ўртача 20 фоизга ошириш вазифалари белгиланган. Ушбу мақсадлар, аввало, мамлакатимизнинг энергетик хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ташқи энергия ресурсларига бўлган қарамлиқни камайтириш ҳамда иқтисодий ўсишни экологик барқарорлик билан уйғунлаштиришга қаратилган.

Эътиборга молиқ жиҳати, қайта тикланувчи энергия манбаларининг кенг жорий этилиши нафақат электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор таъминлаш, балки ишлаб чиқариш харажатларини босқичма-босқич камайтириш, sanoat корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш имконини ҳам беради. Айни пайтда, қуёш ва шамол энергетикаси улушининг ортиши табиий газ сарфини сезиларли қисқартириш, уни эса қўшилган қиймати юқори бўлган тармоқларга йўналтириш орқали иқтисодиётнинг умумий самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Углерод чиқиндиларини қисқартириш бўйича белгиланган вазифалар глобал иқлим ўзгаришига қарши курашиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва атроф-муҳит сифатини яхшилаш билан бир қаторда, мамлакатимизнинг халқро экологик мажбуриятларига содиқлигини намоян этади. Бу, ўз навбатида, “яшил” молиялаштириш механизмлари, экологик инвестициялар ва халқро грантларни жалб этиш учун ҳам қўшимча имкониятлар яратди.

Иқтисодий ўсиш ижтимоий вазифаларни муваффақиятли амалга оширишининг муҳим омили эканлиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган конституциявий тамойилдан келиб чиқилса, бу биз учун биринчи галдаги устувор вазифа ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ижтимоий-иқтисодий тарақиётнинг фундаментал соҳаларидан бири бўлган таълим-тарбия, илм-фанга эътибор йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Ўтган саккиз йилда ушбу соҳага харажатлар 6 қарра оширилиб, 378 триллион сўмга етди. Натижада, 500 га яқин янги мактаб қурилди, боғчалар сони 38 мингдан, қамрови эса 78 фоиздан ошди. Олий ўқув юртлари сони 77 тадан 202 тага, талабалар сони 1,5 миллион нафарга етди. Бу ҳар беш боладан тўрттаси боғчада, ёшларимизнинг қарийб ярми олий ўқув юртларида таълим оляпти деганидир. Инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган бундай изчил ижтимоий сиёсат ўрта ва узоқ истиқболда мамлакатимизда фаровонлик даражасини қаррларга ошириши табиий.

Муҳим жиҳати шуки, камбағалликка қарши кураш бир марталик моддий ёрдам ёки фақатгина енгил шартларда молиявий ресурслар таклиф қилиш тарзида эмас, балки барқарор иш ўринларини яратиш, ўз-ўзини банд қилишни рағбатлантириш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, сифатли таълим ва касбга тайёрлов каби мустақил ва муносиб даромад топиш имкониятларини берувчи тизимли чоралар орқали кечмоқда. Бундай ёндашув камбағал oilаларнинг тўғридан-тўғри ижтимоий ёрдамларга қарамлигини камайтириши билан ҳам аҳамиятлйдир.

Жорий йилда камбағаллик ва ишсизлик даражасини 4,5 фоизга тушириш, камбағалликдан ҳоли маҳаллалар сони 3,5 мингга етказиш, умуман олганда, 2030 йилга бориб, Ўзбекистонда камбағалликка тўлиқ барҳам беришдек устувор мақсад қўйилган. Албатта, бу осон иш эмас. Бироқ ишонарлики, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини изчил давом эттириш орқали бунга эришишнинг барча имкониятлари бор.

Айтиш жоизки, бу дастур нафақат энг эҳтиёжманд аҳоли қатламларига ижтимоий ёрдам тақдим этади, балки маҳаллалар даражасида тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолини касб-хунар ва иқтисодий фаолликка интеграция қилиш орқали барқарор ўзини-ўзи таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлйдир.

Дастурнинг муҳим жиҳати унда ҳар бир масалалга манзилли ёндашишга алоҳида ўруғ берилган. Яъни, давлат ёрдами ҳақиқатан эҳтиёжманд аҳолига йўналтирилади, ижтимоий реестр тизими орқали ҳар бир oilанинг эҳтиёжи аниқланади, самарали ва шаффоф тарзда тақсимланади. Бу механизм камбағалликни қисқартиришда ва ижтимоий тенгликни таъминлашда энг муҳим институт сифатида хизмат қилади.

Бу каби залворли натижалар халқро майдонда юксак эътироф этилмоқда.

Буни қянгда етачки халқро агентликлар мамлакатимизнинг суверен рейтингини “ВВ-”дан “ВВ” поғонага кўтаргани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, Жаҳон банки эълон қиладиган давлатларнинг технологик етуқлик индексида Ўзбекистон дунёнинг “ТОП-10” та мамлакати қаторидан жой олди. Бундай эътирофлар халқро майдонда Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган мамлакат ҳамда ишончли ҳамкор сифатидаги обрў-эътиборини ошириши шубҳасиз.

Очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат Янги Ўзбекистон ислохотларининг характерини очиб берадиган энг муҳим жиҳатлардан бирдир. Бунда, айниқса, Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик муносабатларини

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси устувор мақсад ва вазифалар мажмуи бўлибгина қолмай, бугунги мураккаб даврда тарақиёт суръатларини белгилловчи, жамият ва давлатда дахлдорлик, ташаббускорлик, масъулият ва жавобгарлик хиссини кучайтирувчи тарихий ҳужжат, барқарор келажақ сари шонли йўлимиздир.



“Яшил” энергетикани ривожлантириш — СТРАТЕГИК ТАНЛОВ

Экологик мувозанатни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва барқарор тарақиётни таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Айниқса, глобал иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва атроф-муҳитга антропоген босим кучайиб бораётган бир шароитда “яшил” энергетикани ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва экологик аҳамият касб этади. Президент ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг Қарши ҳудудий филиалида “Адолат” социал-демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тарғибот тадбири юқоридаги мавзуга бағишланди.

“Экологик мувозанатни таъминлашда “яшил” энергетикани аҳамияти” мавзусидаги учрашувда давлат раҳбарининг Мурожаатномаси, ундаги яшил энергетикани ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Президент томонидан ушбу соҳалар мамлакатнинг узоқ мuddатли барқарор тарақиётини таъминлашда стратегик аҳамиятга эга экани таъкидлангани иштирокчиларга атофлича тушунтирилди.

Бу борада экологик автомобилларни кўпайтириш чоралари қўрилиши, экология соҳасига 1 триллион 900 миллиард сўм, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга эса 3 триллион 300 миллиард сўм йўналтирилиши таъкидланди. Бу маблағлар ҳисобидан 1 минг 300 километр магистрал каналлар бетон билан қопланиб, йилига 500 миллион куб метр сувни тежай им-

конияти яратилиши қайд этилди. Мурожаатномада алоҳида таъкидланганидек, глобал иқлим ўзгариши ва сув танқислиги шароитида энергия манбаларини диверсификация қилиш, қайта тикланувчи энергия улушини ошириш долзарб вазифага айланмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан иқтисод фанлари доктори, профессор Гулбаҳор Эркаева экологик ислохотларнинг аниқ иқтисодий механизмлари ҳақида тўхталиб ўтди. Хусусан, корхоналарга филтёр-тозалаш иншоотлари ва ҳавога чиқариладиган зарарли моддаларни доимий мониторинг қиладиган станцияларни ўрнатиш учун 100 миллион долларлик кредит линияси очилиши, катта миқдорда зарарли чиқиндилар чиқарадиган автомашиналарнинг пойтахт ва вилоят марказларига кириши чекланиши режалаштирилаётгани қайд этилди.

Қашқадарё вилояти кенгаши матбуот хизмати





Шароф Бошбековнинг
75 йиллиги

ЎТКИР НАЗАР,

оташин ифода

Ҳар бир одам – бошқаларга ўхшамаган алоҳида олам бўлиш билан бирга, ўрганишга баъзан бутун бир умр етмайдиган даражада кўп қирраларга эга сирли яратёқ ҳамдир. Айни шу қирралар туфайли инсон қилаётган ишига бутунлай тескари мушоҳада юритади, нуқтаи назари, қарашлари ўзгариб туради, табиати минглаб хил сифатлардан таркиб топади. Инсонга хос бу хусусият, айниқса, санъат аҳли орасида бўртиб кўзга ташланади. Соҳаси адабиётми, театрма ёки рангтаъсирми эканидан қатъи назар, аҳли санъатнинг афкор омма диққатини ҳамиша ўзига жалб этиб келган жумбоқли ҳаёт тарзи боиси ҳам шунда. Ижодкор ҳар томонлама кашф этилиб, энди номаълум жиҳати қолмади, дея хотиржам тортилган лаҳзада у мутлақо янги қиёфда намоён бўлаверади. Биргина “Темир хотин” драмаси билан драматургия ва театр соҳасида ўзига хос инқилоб ясаган Шароф Бошбеков ҳам шундай – узлуксиз кашф этиб туриладиган ижодкорлардан биридир.

Қозоқбой йўлдош, педагогика фанлари доктори, профессор

Фаолиятини талантили актёр сифатида бошлаган Шароф Бошбеков йиллар давомида бошқаларникига мул-лақо ўхшамаган ўз йўлига эга режиссёр, машхур драматург ва бетакор сценарийчи сифатида танилди. Унинг бу касбий хусусиятлари шахсиятига хос белгилардан келиб чиқади.

Шароф оламни кўринганидай қабул қилиб қўя қолмас, ҳамиша ҳодисаларнинг сабабини билгиси, уни тушунгиси ва изоҳлагиси келарди. Бу эса тинимсиз фикрлашни тақозо этарди.

1974 йилда театр институтининг муסיқали драма факультетини тугатган Ш.Бошбеков аввал Муқимий номидаги муסיқали драма театрида фаолият юритади, 1975 йилда Сирдарёда театр ташкил этилгач эса, юрти Гулистонда ишлаб бoшлади. Беш йил давомида чўлуқварлар театрида қўйилган истисносиз барча спектаклларда рол ўйнади. Ўша йиллар ҳақида адиб: “*Аввалига шунча томошабин гапларимни зийлаётганидан маст бўлиб юравердим. Ўн йиллар ишлаганимдан кейин бирданга ақлим кириб қолди. Билсан, актёрлар ҳам ўзининг эмас, биров уларага ёзиб берган гапларни гапираркан. Ҳафсалам пир бўлиб кетди ва... Ўзим уларага гап ёза бошладим*”, дейди. Ҳазиломуз бу иккорда катта ҳақиқат бор. Ўтган йиллар ғоят кўп ўқийдиган, олам ва одамга фақат ўз назари билан қарашга уринадиган истеъдодли йигит учун ижодий жиҳатдан тўлиқши, илҳомий ҳолатга тайёргарлик даври бўлди.

Ҳар бир кишининг қилган ва қилаётган амалларининг акс-садоси ёзуқ, тақдир бўлади. Шароф Бошбеков ҳам ҳақли тарзда миллий театр ва драма-тургия ривожига қўшган ҳиссаси учун 1990 йилда Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофотига, 1996 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвонига, 2001 йилда “Меҳнат шuhrати” орденига сазовор бўлди.

Кўпқиррали истеъдод эгаси Ш.Бошбеков драматург сифатида “Тақдир эшиги”, “Тикансиз типратиканлар”, “Эски шаҳар гаровшлари”, “Тушов узган тулпорлар”, “Эшик қоққан ким бўлди?”, “Муסיқа сайераси”, “Темир хотин”, “Тен-так фаришталар” сингари саҳна асарлари яратди. Адиб ўз сценарийси асо-

сида суратга олинган “Масҳарабоз” фильмига режиссёрлик ҳам қилди. Шунингдек, у “Чархпалак” телесериали, “Мариф ва Шариф”, “Тилла бола”, “Юз-сиз”, “Дока рўмол қуриши”, “Ўйин” каби кинофильмлар сценарийсини ёзган.

“Темир хотин” комедияси бадий савияси ва эстетик қиммати жиҳатидан нафақат Шароф Бошбеков ижоди, балки ўзбек драматургияси учун бетакор ҳодиса ҳисобланади. “Темир хотин” пьесаси олдин республика театр фести-валида бош совринга лойиқ топилди. Сўнгра Ўрта Осиё республикалари ора-сида ўтказилган театр фестивалининг мутлақ ғолиби бўлди. Ушбу асар асосида бадий фильм, оперетта ишланди.

Бу асарда муаллифнинг халқ ҳаё-тини ичдан пухта билиши, миллатга хос руҳий тўлғамларни ўта нозик илҳоли ёрқин намоён бўлган. “Темир хотин” асари чинакам истеъдод учун ҳаёт ҳодисаси адабий материал эканини, муаллифнинг ижодий муносабати бу материалдан истаган эстетик маҳсу-лотни ярата олиши мумкинлигини кўрсатиши жиҳатидан тенгсиз яраткидир. Миллий адабиётимизда бу комедия сингари халқ ҳаёти қатламларини бу-тун мураккаблиги билан акс эттирган, айни вақтда, халқ қатламлари орасига шу қадар чуқур кириб кетган бошқа бир асарни кўрсатиш қийин. Миллат тирик-лигининг фожиали манзарасини қул-гили йўсинда кўрсатиши жиҳатидан эса бу асар тенгсиздир.

Комедия бошидаёқ муаллиф тас-вирини Кўчқорнинг рўзғорида мавжуд барча жиҳозларда ниманингдир етиш-маслигига қаратади. Ўқирман ушбу тасвирининг сабабини англасагина комедиянинг ҳаётий асоси ва бадий вазифасини тушуна олади. Кўчқорнинг уйдаги деразанинг бир кўзи йўқлиги, ромлардан бири бўялган бўлса, бош-қаси бўялмагани, хатто сўрининг бир оёғи етишмаслиги, чойнакнинг жўмрағи сингани, пиёланинг лаби учгани каби кемтикликлар тасвири қаҳрамоннинг ўз ғариб турмуш тарзига кўнкан ҳам унга сирдан қарашни ҳаёлига ҳам кел-тирмайдиган одам эканини намоийш этишга хизмат қилган.

Кўчқорнинг аёлига қилаётган муо-мала йўсини тасвири ўзбек ўтбоши-ларидаги узаро муносабатларни ўта

кишилариининг жўн ва машаққатли тур-муш тарзини, уларнинг тўпори фикр-лаш йўсинини кўрсатиш асносида акс эттирилган. Кўчқорнинг: “*Қумри билан десангуз, жим ўтириб ҳам гаплаша-верарди. Ичимизда*”, деган гаплари асл мухаббатнинг ифодасидир.

Одамнинг ғоят мураккаб, ҳамиша ҳам тушунарли бўлмаган хатти-ҳа-ракатлар қиладиган яратёқ эканлиги Кўчқор тимсолида яққол кўринади. У Қумрини яхши кўради. Лекин аёлини қанчалик бахш этиб, уни ўқирманга яқинлаштиради, ёқимлироқ кўрсатади.

Кўчқорнинг тилига хос жиҳатлар, унинг нутқидаги ўзига хослик тимсол-нинг ички дунёсини англаштига хизмат қилади. Чунончи, Кўчқор тилидан кўп ишлатилган “ракатопсин” сўзи, унинг сал нарсасга ловуллаб кетавериши тасвири ўқирманда қаҳрамон шахси ҳақида чуқурроқ тасаввур уйғотади.

Асардаги Қумри тимсолида ўзбек аё-лига хос жиҳатлар улкан маҳорат билан акс эттирилган. Қумри образида аёл-ларимизга мансуб энг юксак инсоний фазилатлар баъзан сездирилиб, баъ-зан сездирилмай тасвирланган. Коме-дия нихоясига яқин Кўчқор Қумрининг кўллариини юзига босганда, аёл қандай ҳолатга тушганлиги ифодаси миллий руҳни акс эттириш борасида ҳам, ўқир-манда ўзбек аёлини англаш туйғусини шакллантириш бобида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Комедияда ўзбек аёли руҳияти ўзи-нинг чексиз кўлами ва юксак эзгулик-лари билан ёрқин акс эттирилиб, аёл-нинг қудрати оживилгиди, ўз кучи им-кониятини намоийш қилавермаслиги, хатто буни билмаслигиди экани мисл-сиз бир маҳорат билан кўрсатилади. Кўчқор аёлига “кўп ўқизи” билан мактанганда, Қумри эрининг асли ўқ-имлишлик даражасини жуда яхши бил-гани ҳолда ростини айтмайди, уни фош этмайди, уялтирмайди. Бунинг асл са-баби ўзбек аёлларининг ички одобида эканини муаллиф сездирмай кўрсат-ган. Бу ҳолат тасвири асарни тушу-нишда ҳам, қаҳрамонлар табиатини изоҳлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бошқа мислдан вакиласи шундай ўринда Кўчқорнинг чаласаводлигини юзига солиб, шармандасини қиъариши, устидан қулиши мумкин эди. Лекин Қумри бундай қилмайди. У ўзбек қизи сифатида эрга нисбатан андишасизлик қилиш мумкинлигини ҳаёлига ҳам кел-тирмайди.

Асарда Кўчқорнинг Олимжон би-лан дастлабки суҳбатидидаги: “*Бир қара-сане, қўйларга қараб “кўп туғ” дейди, бир қарасане, ўзбекка қараб “кам туғ” дейди...*”, деган гапидаги параллел тас-вирда қўйдаи итоаткор, аммо қўйчалик иззат кўрмаган ўзбек халқининг ҳола-тига нозик ишора мавжуд. Кўчқорнинг Олимтойга қарата: “*Хотинларниге қор-нига осплеучча пахта терадиган ма-шинани тўғрила*”, деган норозилиги тасвири орқали ҳаётнинг жиъдий муам-моларини ҳал этиш ўрнига, одамларни чалғитиш учун сунъий муаммолар ясаш билан машғул бўлишни маъкул кўрган жамият фош қилинади.

Комедияда фақат иттимоий муам-молар эмас, балки инсоний муноса-батлар, илиқлик, меҳр, мухаббат туй-ғулари тасвирига ҳам эътибор қилин-ган. Лекин унда мухаббат юксак изхори-диллар воситасида эмас, балки қишлоқ

ҳам ана шундай ижодкорлар сирасига киради. Унинг “Меҳр ва маузер”, “Сўқмоқ”, “Фалакнинг гардиши”, “Вафодор”, “Мусофир бўлмагунча” каби киноқис-салари ифода йўсини, тасвир кўлами, таъсир даражаси билан бугунги ўзбек адабиёти тараққиётида ўзига хос ўрин тутди. Бу яратиклар аввал бошдан экран талабларини пухта билган му-аллиф томонидан кинога хос хусу-сиятлар ҳисобга олинган ҳолда киноасар шаклида битилганига қарамай, чина-кам наср намунаси сифатида ўқилади. Айниқса, “Меҳр ва маузер”, “Сўқмоқ” асарлари бадий ифоданинг пухталиги билан ўқирман кўнглини ром этади.

Шароф Бошбеков насрига холис тасвир манераси хос. У қаҳрамонла-рини тавсифламайди, тимсоллар хат-ти-ҳаракат ва гап-сўзлари билан ўзла-рига ўзлари тавсиф беришади. Бунинг устига, киноқисса жанрининг табиати шундайки, унда ҳам худди драмадаги каби муаллиф қаҳрамонлар табиатига хос жиҳатларни таърифлаб бериш им-конига эга бўлмайди. Бу ишни у детал-лар ва хатти-ҳаракатлар тасвири зим-масига юклашга мажбур. Шундай қи-линмаса, тимсоллар табиатини экранга кўчириб бўлмайди. “Меҳр ва маузер” киноқиссасида чигал инсоний муноса-бат ва тутумлар силсиласини тасвир-лашни мақсад қилади. Ёзувчи узлуксиз тарзда қизиқарли воқеаларни тасвир-лашга интилмайди. Асарда воқеалар кўпроқ одамлар табиатини кўрсатиш учун фон вазифасини ўтайди. Образ-ларнинг ўйлари, тутум ва туйғулари тас-вириини беришга интилиш хусусияти ёзув-чининг барча насрий асарларига ҳам хос.

“Меҳр ва маузер” қиссасида асар-нинг “кассабоп” номидан тортиб, ун-даги катта-кичик барча тасвирларда кино санъатига хос жиҳатлар максим-ал даражада ҳисобга олинган. Ундаги ҳар бир тафсилнинг қандайдир эстетик юмушни бажаришга эришилган. Шу-нинг учун асар ўта ўқишли ва таъсири-ли чиққан. Қиссада “...ниҳоятда соҳибжа-мол, моёвий кўзлари уммон қадар туб-сиз ва шабнамдай мусоффо” рус қизи врач Мария, Аҳмадбек кўрбоши, Са-мандархон эшон, Пулат полвон, Ма-риянинг қуёви батальон командири Максим, комиссар Аркадий Ильич об-разлари, айрим лавахлардагина кўри-надиган Ўсаркул, Маман ғилай, Башо-рлар опа каби тимсоллар ҳам жуда пухта ишлангани сабабли ўқирман хотира-сида қолади.

Ёзувчи тасвирга тортилган ҳар бир тимсолни зарур микдордаги бадий юк билан таъминлай олган. Уларнинг ҳар бири хатти-ҳаракати, гап-сўзи муайян ҳаётий ва руҳий асосга эга. Муаллиф кимнидир оқлаб, кимнидир қоралаш, қандайдир бир ғояни ўқирманга синди-риш каби одатий йўлдан бормайди. Балки одамнинг тақдирини ҳам ҳаётнинг ўзи каби тушунарсиз ва чигаллигини, оламдаги муаммоларнинг энг мушуқли одамларнинг бир-бирини тушуниши эканини инсоний тақдирлар мисолида тасвирлайди.

Ҳамамага яхшилик қилгиси келадиган олижаноб ва ғўзал Мария ҳамда унинг “яхон инқилоби” ғоясига итдай содиқ, бутун дунё йўқсулларини бахтли қил-моқчи бўлган, аммо қўйнидаги аёл-нинг кўнгли билан иши йўқ эри Максим, юрт озодлиги йўлида қаттиққўллиги би-лан душманлар кўнглига қўрқув солган адолатли, ёвқур ва ишонувчан Аҳмад-бек, ҳар қандай янгиликка ғижиниб қа-райдиган, аммо ўлим нақд бўлиб тур-сада, имонига хиёнат қилмаган эшон тимсолларининг ҳар бири гапи, ҳара-кати, тутуми асосга эгаллиги уларни ки-тобхоннинг кўнглига яқин қадрдонла-рига айлантиради, асар бадий савия-сининг юксак бўлишига хизмат қилади.

Ёзувчининг маҳорати туфайли асар-даги воқеаларгина эмас, балки тақдир-лар ҳам узаро чамбарчас болглик ҳолда майдонга чиққан. Батальон командири Максим сўзлашиб олиш мақсадида оқ байроқ кўтариб келаятган Аҳмадбекни номардлик қилиб отгани учун унинг хо-тини врач Мария ўғирлаб кўрбоши қа-роргоҳига келтирилгани, Аҳмадбек, Пулат полвон, Самандархон эшон ка-биларни билгач, Мариянинг “босма-чи”лар ҳақидаги, умуман, ўзбеклар тўғрисидаги фикри тамомила ўзгар-ган, қиздаги бу фикрий янгилашни унинг ўлимига сабаб бўлгани, қизиқчи сабаб, ўйламаган ҳолда калима қайтар-ган Марияни Аҳмадбек мусулмон са-наб жаноза ўқитмоқчи бўлгани ва бунга Самандархон эшон кўнмагани ҳолат-лари тасвирлари ҳаётий асоснинг мус-тахкамлиги ва бадий тасвир қудрати билан ўқирман хотирасида михланиб қолади, асарни тақдор-тақдор ўқишга ундайди.

Муаллиф инсонни эзгу эътиқод юк-салтиришини Аҳмадбек, Самандархон, Пулат, Мария тимсолларида, нотўғри эътиқод эса одамни ёвузлаштиришини Максим ва Ўсаркул образлари мисо-лида жуда таъсирли кўрсатади. Ёзувчи-нинг маҳорати шундаки, у гоёнинг ето-вида юрмайди, ниятдан тимсолга бо-ришдан кўра, тимсолдан ниятга қараб боришни маъқул кўради. Шунинг учун ҳам асардаги образлар гоё ифодаси эмас, балки ҳар бири ўзининг бетақдор тақдирига эга бўлган жонли одамлар-дир.

Пулатнинг покизалиги, унинг очик юзли сулув аёлга болаларча ҳайрат ва меҳр билан қараш, ўзганинг ҳақиқа хиёнат қилишни ҳаёлига ҳам келти-ролмайдиган даражада тозаллиги, айни вақтда ҳар қандай оғир юмушни уда-лай олиши, топқирлиги, қувлик-шумлик-дан йироқлиги, мантқили фикрлаши, ўз ишига ишончи сингари жиҳатлар қис-сада катта маҳорат билан табиий тас-вирлангани боис ўқирман унга ишо-нади, сўнги дамгача Марияни қутқариб қолишдан умид қилади.

Аҳмадбек табиатидаги кескирлик, олижаноблик, вазминлик, фикрчан-лик, эътиқодда собитлик каби жиҳат-лар унинг бекорга қон тўқилишини ис-тамай, қизиллар билан гаплашмоқчи бўлгани, Марияга ишониб, уни Самар-қандга жўнатиши, қаттиқ азоб чексада, спиртни ичмаслиги, оғриқнинг зўридан қамчи ўрмасини тийлаб ўзиб юбор-гани, Марияга жаноза ўқиш борасида эшон билан баҳслашгани каби лавах-ларда ғоят ёрқин акс эттирилган.

Мариянинг кўрбоши ҳузурига бор-гандаги қўруви ҳам, рус аёлларига хос очилиғи ҳам, Аҳмадбек ва Пулат полвон билан бўлган мулоқотдан кейин унда юз берган ўзгаришлар ҳам ўта та-биий тасвирланган. Қиссада Сама-ндархон эшон тимсолидаги ҳар бир ўз-гариш ғоят синчковлик билан кўрсат-илган. Шарият аҳкомларини маҳкам тутган эшоннинг гайридин аёлга ишо-нангани, номоҳрамнинг юзига қўйи ту-шиб қолмаслиги учун тескари қараш, Мария кўрбошининг қўлини ушлаганда, “чаён қаққандай сесканиб кетиши”, врач мажбурласа ҳам кўрбоши спиртни ичмай, тўкиб юборганда “енгил тин олиб қўйиши”, Аҳмадбекнинг ярасини болғаётганда, “...бу азоларни ўзи чек-қандай қора терга ботиб кетиши”, кўр-бошининг оёғини кесишга тўғри келиши мумкинлиги ҳақидаги гапни эшитганда “кути учини”, Мариядан мот бўлганда “газзбдан кўқариб кетиши” ва шу каби бошқа ўнлаб ҳолатлари руҳшуносларга хос билгичлик билан тасвирланган. Бу тасвирлар муаллифнинг таъкидлари-сиз ҳам Самандархон эшоннинг та-биати борасида ўқувчида яхлит фикр тугилишига асос бўлади.

Ш.Бошбеков қаҳрамонлар табиати ва тутумларини бирёқлама ва жўн тас-вирламайди. У асарларида одамни ки-тобдагидай эмас, балки ҳаётдагидай кўрсатади. Шунинг учун ҳам қиссадаги тимсолларнинг бирортаси ҳам бир ёқлама эмас. Ҳатто “яхон инқилоби” йўлида ўз хотинига ўқ узган Максим ҳам иқкиланадиган, изтироб чекадиган одам сифатида акс эттирилган.

Асарда кинога хос хусусиятлар ўта билгичлик билан ҳисобга олингани боис қисса фақат ўқилибгина қолмай, “қўриб” ҳам борилади. Бу жиҳат тас-вир таъсирчанлигини ошириши жиҳа-тидан беқиёс аҳамият касб этган. Қис-сада сотқин Ўсарқулнинг гапига кириб оломон қилинган Максимнинг “Мана шу кўзим билан кўрдим”, деган хиёнатчи-нинг ўша кўзига уриши, Қўчқорнинг қулпол дўқонидаги кўзалар ичига кириб кетиши, дўқон эгасининг синган кўза билан унинг бошига тушириши каби лавахлар шундоққина экранни талаб қилиб турганга ўхшайди.

Асардаги: “*Тиловат ҳамон давом этарди. "...робил элаамийн” жумласи-дан сўнг кимнидир кўли сак кўта-рилиб, тагин тушди. Яна кўтари-либ фотиҳага чоғланди-ю, бу гап ҳам орқага қайтди. Учинчи бор уринишда кўл эгаси юзига фотиҳа тортди. Қў-лини юзига олиб борганда кўрамизки, бу зот ўтов оспиди турган Сама-ндархон эшон экан...*” тасвири ҳам ба-дий ифода, ҳам экран тили нуқтан на-заридан теран чиққан. Унда ўзи билан ўзи олишаётган эшоннинг руҳий ҳолати жуда нозик акс этган. Бу лаҳзада са-гина олдин ўзи жаноза ўқишдан бош тортган одамнинг шунча мусулмон-нинг астойдил фотиҳа қилганини қўриб, уларага қўшилмасликка ўзида куч то-пмагани жуда ингичка ва ишонарли чи-зилган. Айни ҳолатни эшон, ниҳоят, Ма-риянинг мўминчилигини тан олди, деб изоҳлаш ҳам мумкин.

Ушбу мақолада талантли ёзувчи Шароф Бошбековнинг иккитагина асари хусусида фикр юритилди. Ҳолбуки, адабнинг ҳар бир асари атрофлича тадқиқ қилиш, илмий ҳулосалар чиқаришга етарлича материал беради. Бу эса изланишлар давом этишига, ижодкор портретига ранглар изланаверишига умид тугдиради.

Тафаккур

- ✓ **Жим турган ҳар қандай киши жавоб қайтаришга ожиз эмас...**
- ✓ **Шундай кишилар бўладики, қалби оғриётганлиги, агар гапирса, бу оғриқ янада кучайиб кетиши туфайли жим туради...**
- ✓ **Шундайлар бўладики, гапирган гапи фойда бермаслигини билгани учун ҳам су-кут сақлайди...**
- ✓ **Яна шундай одамлар бўладики, бошқаларга зарар бериб қўймаслик учун ғаза-бини босиш учун сукут сақлайди...**
- ✓ **Баъзилар ожизлик санайдиган сукут, аслида катта кучнинг маҳсулидир...**



Ибрат Чарли Чаплин айтади: “Мен анча машҳур бўлиб, кино оламида юлдуз бўлганимдан кейин ҳар хил жойларда “Чарли Чаплинга ўхшай оласизми?” деган мусобақалар уюштирила бошланди. Шунда битта мусо-бақага ўзимни танитмай бошқача зримда келдим. Қатна-шиши истагини билдириб ариза бердим. Мени қабул қилишиди. Мусобақада қатнашдим ва иккинчи ўринни олдим. Биринчи ўринни эса мусобақа раҳбарининг ўғли олди”.

ЯНА АЖРИМЛАР
ХАҲИДА:



ОҒРИҚЛАРИМИЗ ҚИММАТГА ТУШАПТИ

Мавзуга қайтиб

Жинойтга жазо муқаррар

10 дона “таблетка” га йил



Пойтахт аҳолиси ширин уйқудалигида 22 ёшли йигит “Кобальт” русумли автоуловга ўтириб, шаҳар ташқарисига йўл олади. Содиқ Ярашев (исм-фамилия ўзгартirilган) белгиланган манзилга етиб келгач, атрофни кузатиб, ҳар галгидек эҳтиёткорлик билан белгиланган жойдан “таблеткани”, яъни гиёҳвандлик моддасини олар экан, кутилмаганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари қаердан пайдо бўлишганини англаёлмай қолди...

Баҳодир ҚАЮМОВ,
Жинойт ишлари бўйича
Яккасарой туман судининг судьяси

Маълум бўлишича, у ижтимоий тармоқ орқали 2 нафар шериги билан “таблетка” савдоси билан шугулланиш ҳақида ёзишган. Дастлаб 10 дона “таблетка”ни 7,5 АҚШ долларига сотган. Шунингдек, 1 грамм кучан таъсир қилувчи гиёҳванд моддани 60 АҚШ долларига сотиш ҳақида савдолашиб, кучан таъсир қилувчи психотроп дори қўйилган манзилнинг локациясини ташлаган. Суд экспертизаси хулосасида Содиқ Ярашевдан олинган дори воситалари кучли таъсир қилувчи гиёҳвандлик воситалари эканлиги тасдиқланган.

Тенгдошлари олийгоҳларни тугатиш арафасида келажақ режаларини тузиб, орзулари сари қадам ташлаётган пайтда 22 ёшли Содиқ Ярашев осон даромад топиш мақсадида қинғир йўлга киради. Болаагидан меҳнатга бўйни ёр бермаган С.Ярашев ўрта мактабни тугатгандан кейин ҳам бирон ишнинг бошини тутмаган. У ўғрилиқ ва фирибгарлик қилгани учун жиноий жавобгарликка ҳам тортилган. Ёшлиги, биринчи марта жиноят қилаётгани каби турли сабаблар туфайли жазо енгиллаштирилган. Бироқ бу хатосидан тўғри хулоса чиқара олмаганиги, тўғри йўлга қирмагани туфайли яна жиноят йўлига кирди. Бу гау у икки нафар шериги билан жиноят содир этган. Мазкур жиноий иш суда атрофлича кўриб чиқилди.

Судланувчи Содиқ Ярашев айбига иқдор бўлиб, қилган ишидан пушаймонлигини билдирди. Айтиш керакки, Содиқ дори олди-сотдиси қонуан таъқиқланганлигини билса-да, даромад топиш мақсадида кучан таъсир қилувчи воситаларни қонунга хилоф равишда ўтказмоқчи бўлган, бироқ Содиқнинг навбатдаги “ови” юришмади. Суд судланувчи содир этган жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, жазо тайинлади.

Давлатимиз қонунари адолатли, шу билан бирга барчага баробар. С.Ярашев бир гау енгил жазо олгач, берилган имкониятдан самарали фойдаланиши, унинг қадрига етиши, тўғри йўлга қириши, ҳалоо меҳнат билан яшашни мақсад қилиши лозим эди. Аммо нафсига қул бўлиб, қинғир ишнинг қийинги чиқишини англамаган ёки билса ҳам жиноят турини ўзгартирганиги боис энди “қўлга тушмаслиги”га ишонган бу йигит суд ҳукми билан 10 йил муддатга, унинг 2 нафар шериги эса 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Натижада улар ҳаётининг энг гузал ёшлик даврини панжара ортида ўтказишга мажбур. Қилимиши қора кимсалар ҳозирги кунда қамоқда жазо муддатини ўтамоқда. Улар шундай жазоланиши мумкинлигини билишарди, аммо нафс балосини енга олишмади, бир хунарни эгалаб, ҳалоо меҳнат қилиб, қонуний даромад топишни иштамади. Улар бу захри қотилани сотишлари эвазига қанчадан-қанча инсонларнинг ҳаёти завоо топиши, оилаларнинг барбод бўлиши, болааларнинг ногирон туғилиши, етим қолиши, жамиятдаги соғлом муҳитга зарар етказишлари мумкинлигини ўйлаб ҳам кўришмади...

БУЮК ЁЗУВЧИ ТОЛСТОЙ ҚОЙДАЛАРИ

- ✓ Ҳар қандай жисмоний машаққатга чида, қийналганингни бошқаларга билдирма.
- ✓ Ҳар кун заифроқ биладиган тилингда шеър ёдла.
- ✓ Қўлингдаги мулкнинг ўндан бирини эҳсон қил.
- ✓ Ўн баробар бойиб кетсангда, ҳаёт тарзингни ўзгартирма.
- ✓ Ҳар тонг кунлик режа туз ва уни, албатта, бажар.
- ✓ Бошқаларнинг фикрини ўйлаб ўтиргандан кўра ўз устингда кўпроқ ишла.
- ✓ Шухрат учун сарф-харажат қилма.
- ✓ Ўзинг учун иложи борича кўп машғулот ўйлаб топ.
- ✓ Бир ўзинг ақунлашинг мумкин бўлган ишга ёрдамчи талаб қилма.
- ✓ Ҳеч қачон ҳиссиётларингни ошкор қилма.
- ✓ Яқин кишингни ўзиндай яхши кўр, икки қарра яқин кишингни эса ўзингдан ҳам кўпроқ яхши кўр.
- ✓ Ҳар тун қундузи ўрганганларингни тақрорла.
- ✓ Ортиқча нарсангни ўзинг учун эмас, жамият учун ишлат.
- ✓ Яхшилик қилишга имкон изла.
- ✓ Яхши бўл ва сенинг яхши эканингни ҳеч ким билмаслигига интил.
- ✓ Элнинг муҳаббати учун майда туйгулардан воз кеч.
- ✓ Шароит қанча ёмон бўлса, ҳаракатни шунча кучайтир.
- ✓ Бор нарсаларга қаноат қил.
- ✓ Бирор ишни бошласанг, охирига етказмай ташлаб кетма.

...Яқин танишимизнинг турмушга чиққанига кўп вақт бўлмаган ёш қизи ота уйига қайтиб келибди. Айтишларича, ажрим якуний ҳал қилув қарори дея кўрилаётган оила парокандалиги бир кунда ёки бир сабаб билан юзага келмаган: ёшлар ҳаётига муттасил равишда учинчи шахслар аралашган, ўзаро ишонч емирилиб борган, сабр эса тугаб...
Энг ачинарлиси, норасида фарзанд аросатда қолаётти. Оддий оилавий келишмовчиликдек туюладиган айни воқеа чуқурроқ ўйлаб кўрилса, замонавий оила институтидаги жиддий дардларни очиб берапти. Қолаверса, жамиятимизда тобора оғир тус олаётган мураккаб ижтимоий муаммонинг

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ёшлар парламенти аъзоси

“БАХТЛИ ЭМАСМИСАН — АЖРАШ”

Албатта, ажрим мавзуси ҳақида бугунгача кўп гапирилди ва турли минбарлардан турфа фикрлар янгради — бундан кейин ҳам шундай бўлади. Барча баҳс-мунозаралар замирида эса ягона умумий мақсад яширин — оилани асраб қолиш, унда тарбияланаётган болаларнинг “тирик етим”га айланишининг олдини олиш. Аммо сўнгги йилларда жамият ҳаётида оила институтига нисбатан ғарблашув феномени кескин кучайиб, никоҳга бўлган муносабатни енгиллаштириб юборгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Оқибатда ёшлар туғул катталарнинг ўзи ҳам ажримни оддий ечим, муаммодан қочишининг энг осон йўли сифатида қабул қилмоқда. Ушбу масаладаги хавотирли манзарани расмий рақамлар яққол тасдиқлайди. Оила ва гендер илмий-тадқиқот институтига кўра, ўтган йилнинг январь—ноябрь ойлари давомида мамлакатимизда 43 минг 311 та оилавий ажрим қайд этилган. Бу кўрсаткич ажримлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 минг 680 тага кўпайганини, ўсиш суръати эса 104 фоизга етганини аниқлатади.

Яъни, ажримлар қамайиш ўрнига, аксинча, барқарор ўсиш траекториясига чиққан. Янада ташвишлиси, ушбу жараён никоҳлар статистикаси билан қиёсланганда, яққолроқ намоён бўлади. Хусусан, мазкур даврда тузилган никоҳлар сони 242 минг 81 тани ташкил этган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 4 минг 898 тага кам бўлган. Рақамлар ортидаги моҳиятга назар ташласак, никоҳлар сони тадрижий минимумга яқинлашаётгани, ёшлар орасида оила қуришга бўлган эҳтиёж ва ишонч сусаяётганини кўриш мумкин. Бу 98 фоизлик ўсиш суръати билан ифодаланса-да, амалда ижтимоий реаллик — оила институтининг барқарорлигига путур етётганини намоён қилади. Уша гаплар: ҳар бир ажрим ортида парчаланган тақдирлар, изтиробга тулган болалик ва жамият учун янги ижтимоий муаммолар юзага келиши муқаррар, аммо оилавий муносабат инкирозига маънавий барқарорлик, масъулият ва сабр маданиятига бўлган муносабат ўзгариб бораётгани ойл очётганини ҳам унутмаслик керак.

САБРСИЗЛИК, МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ВА “ҚУТУЛИБ ҚОЛСАМ БЎЛДИ” ДЕГАН ЎЙ ФИКР

Шу ўринда кундалик мисол. Бир курсдош дўстимиз айтиб берапти: турмушининг бошқа синонларидан алпақачон қадди букилган қариндоши орзу-хавас ортидан уй-жой қилиб, минг машаққат билан йиғиб-териб, келин туширган эди. Вақт ўтиб, оилада ахлоқ тушунчаси кўпол тарзда йўққа чиққанидан сўнг келин қайнонаси юзига чангал солиб, сочини юлибди. Бошқа бир ҳолат янада жирканч. Ҳамкасбимнинг қўшни келини қайнотаси уйда ўғрилиққа кўл уриб, кейин жабрдийда сифатида арзи-хол қилган, милиция ҳам қақирлишган...

Ўзим билганим — ёши каттароқ киши суд орқали ажрим қилинган қизини минг бир уриниш билан яна оиласига қайтармоқчи. Оталик дарди, умид ва изтироб уни тинч қўймайпти. Аммо куёв учун бу масала алпақачон ёпилган. У фарзанди борлигини, собиқ аёли тақдирини ўйлаб ўтирмай, бошқасини олиб келиб, янги ҳаёт бошлаб юборибди. Бу мисоллар тасодиқ эмас, жамиятимизда оила деган тушунча қадрсизланиб бораётганининг далили бўлаётгандек... Гап эса сабрсизлик, масъулиятсизлик ва “қутулиб қолсам бўлди” деган ўй-фикр ҳақида. Энг ачинарлиси, бу жанжаллар, бу ахлоқий емирилишлар ўртасида болалар қол-япти ва улар катталарнинг хатоси учун умрбод тоvon тўлашга мажбур...

Эшитган бўлсангиз, пойтахтимизда аёл ўзини ва икки нафар фарзандини кўп қаватли уйнинг юқори қаватидан ташлаб, ҳалоо бўлганди. Бу хабар кўпчиликини ларзага солди. Ижтимоий тармоқларга назар ташласак, манзара янада кўрқинчли. Эрига ёки аёлига аччиқ қилиб, ўз жигарпорасини ўласи қилиб калтаклаётган, бунни видеога олиб, тарқатаётган оталик ёки оналик номига мутлақо лойиқ бўлмаган кимсалар кўпайиб бораётгани кўзга ташланади. Таҳлиллар давомида бу каби ҳолатларга туртки бўлган омиллар ҳам ошкор бўляпти: рашқ, хиёнат, оилавий ишончининг сингани, ўзини яққа ҳис қилиш, чиқиш йўлини тополмаслик. Аммо қайси сабаб бўлишидан қатъи назар, оқибат битта — оила аталмиш муқаддас қўргоннинг бузилиши, энг ёмони, болаларни фожиа марказига тортиш.

навбатдаги ифодаси ҳам... Боиси тўй олдидан айтилган гаплар ҳамон ёдимизда қолган: куёв яхши иш жойига эга, қиз бораётган оила маҳаллада обрў-эътиборли, зиёли қатлам вакиллари сифатида таърифланган эди. Ҳамма нарсa маромида кўринар, келажак порлоқ тасаввур қилинганди. Бироқ ҳаёт қоғозда ёзилган режаларга бўйсунавермас экан-да... Ҳақиқат шуки, чиройли тавсифлар, ижтимоий мақом ёки моддий барқарорлик оилани сақлаб қолиш учун бугун, ҳа-ҳа, бугунги кунда етарли бўлмаяпти. Сабаблар эса чуқурроқ — муносабатлар маданияти, масъулият ҳисси ва оилавий мустақилликка хоҳиш юқорилиги ва ҳоказо.

Шу нуқтада савол туғилади: муаммонинг сабаблари қаердан бошланяпти ва унинг оқибатлари нега шунчалик оғир тус олаяпти? Худкушлик, болаларга нисбатан бераҳмлиқ ва оила ичидаги зўравонлик — буларнинг барчаси бир занжирнинг ҳалқалари эмасми?

МАҲРГА “ГЕЛИК” ЁКИ КВАРТИРА

— Ўзбек оиласини шарқона тарбия, бирдамлик ва маърифат масканига пенгзаш ўринли, — дейди ижтимоий психолог Муниса Тоғаева. — *Оила муқаддас, фарзандлар эса маънавий меросининг давомчиларидир. Бироқ бугунги вазият халқаро тажриба билан уйқашиб кетдики, энди оилавий ажрим учун узок йиллик фарзандсизлик, доимий хўрланиш, зўравонлик, хиёнат каби омиллардан ташқари бесабрлик, бешарқлик ҳам омил бўлмоқда. Масалан, маҳрига “Гелик” машинаси ёки “Toshkent City”дан икки хонали квартира сўрайдиган, метрода ярадиган йиғитдан совчи келса, у билан ҳаётини боғлашни рад қиладиган қизлар-у, оилада оталик ва раҳбарлик масъулиятини зиммасига олишдан кўра “қизил чироқман” деб рафиқасига “намёк” қилишга шай йиғитлардан келажакда нима кутамиз? Бўшлиқ эса фақат ва фақат тарбияда.*

Мутахассис фикрларига қулоқ тутсак, бу ҳолат битта омил билан изоҳланмайди. Муаммо уч томонли призмада кўринади. Бир томонда — ёшлар. Улар ҳаётга енгил қараяпти, шошма-шошар, сабрсиз, қийинчиликка чидамсиз. Муносабатлардаги илк синовиёқ “бахтсизлик” деб қабул қилиб, қураш ўрнига чекинишни танламоқда. Иккинчи томонда — катталар. Улар баъзан бефарқ, баъзан эса ҳаддан ортқч аралашувчан. Ёш оиланинги ички муаммосини тушуниш ўрнига, уни янада чуқурлаштириб юборади. Учинчи томон — жамият. Бу жараён

Шу нуқтада “Адолат” социал-демократик партияси илгари сураётган “Ёш оила” платформаси фақатгина ғоя эмас, зарурат экани янада ойдинлашди. Яъни, бу никоҳдан олдинги масъулият мактабидир. Ижтимоий, психологик, ҳуқуқий ва моддий тайёргарликдан ўтмаган жуфтликка оила гувоҳнамаси берилмаслиги керак. Худдики рулга тайёргарликсиз ўтириш мумкин эмас экан, оила кемасини ҳам тайёргарликсиз бошқариб бўлмайди. Агар оила мактаблари 6–12 ойлик қатъий дастур асосида ишласа, ундан ўтмиш никоҳ учун мажбурий талабга айланса, бу жараён қоғозбозлик эмас, ҳақиқий ҳаётий қўнникмаларин берса, ажрим рақамлари пасаяди. Энг муҳими, синган оилалар эмас, барқарор тақдирлар кўпайсин. Чунки оила тақдир ҳусусий йўл эмас, жамият таянчи бўлиши керак. Таянч эса эътиборсизликини кўтармайди.

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Озода ПАРПИБОЕВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

